| 1. | НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА | |
|---|---|---|
| | Полное:<br>На государственном языке:<br>На латинской графике:<br>На русском языке:<br>На английском языке: | <br>«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.<br>«Ipoteka-bank» aksiyadorlik tijorat ipoteka banki.<br>Акционерный коммерческий ипотечный банк «Ипотека-банк».<br>Joint-stock commercial mortgage bank «Ipoteka-bank». |
| | Сокращенное:<br>На государственном языке:<br>На латинской графике:<br>На русском языке:<br>На английском языке: | <br>«Ипотека-банк» АТИБ.<br>«Ipoteka-bank» ATIB.<br>АКИБ «Ипотека-банк».<br>JSCMB «Ipoteka-bank». |
| | Наименование биржевого тикера: | IPTB |

| 2. | КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ | |
|---|---|---|
| | Местонахождение: | Республика Узбекистан, 100000, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Шахрисабз, 30. |
| | Почтовый адрес: | |
| | Адрес электронной почты: | cenbum@ipotekabank.uz |
| | Официальный веб-сайт: | www.ipotekabank.uz |

| 3. | ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ | |
|---|---|---|
| | Номер существенного факта: | 08 |
| | Наименование существенного факта: | Изменение в составе наблюдательного совета, ревизионной комиссии или исполнительного органа |

в случае прекращения полномочия должностного лица

| № | Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего | Должность | Количество и тип принадлежащих акций | |
|---|---|---|---|---|
| - | Хайдаров Аҳадбек Яхёбекович | Член наблюдательного совета | - | - |

в случае избрания (назначения) должностного лица

| № | Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего | Должность | Количество и тип принадлежащих акций | |
|---|---|---|---|---|
| I | Шоахмедов Шохрух Шорахимович | Член наблюдательного совета | - | - |

| | |
|---|---|
| Орган эмитента, принявший решения об указанных изменениях: | Наблюдательный совет банка |
| Дата принятия решения: | 02/12/2016 года |
| Дата составления протокола: | 05/15/2016 года |
| Выписка из протокола органа управления и паспортные данные избранного (назначенного) лица, с указанием его места жительства | Выписка протокола органа управления прилагается. |

Состав наблюдательного совета (ревизионной комиссии/исполнительного органа) после изменения

| № | Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего | Должность | Количество и тип принадлежащих акций | |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ходжаев Батыр Асадиллаевич | Председатель Наблюдательного совета | - | - |
| 2 | Бутиков Игорь Леонидович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 3 | Тураев Батырджан Талибович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 4 | Зубрилова Лариса Геннадиевна | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 5 | Шакиров Йулчи Хакимович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 6 | Наджимов Гиёсиддин Зиявутдинович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 7 | Камалов Аюбхан Арибджанович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 8 | Абдухамидов Акрамджан Абдувахабович | Член Наблюдательного совета | - | - |
| 9 | Шоахмедов Шохрух Шорахимович | Член Наблюдательного совета | - | - |

**Первый заместитель Председателя Правления:** **Закиров С.У.** ____________

**Главный бухгалтер:** **Норметов Э.З.** ____________

**Разместил информацию на веб-сайте:** **Абдулладжанов Ф.А.** ____________

**"Ипотека-банк" АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 23 - сонли баёнидан кўчирма**

2016 йил 2 декабрь

Тошкент ш.
Истиқлол кўчаси, 9 уй

"Ипотека-банк" АТИБ Меҳнат филиали биносининг мажлислар залида соат $10^{00}$ бошланди.

**Йиғилишда қатнашганлар:**

| | | |
|---|---|---|
| **Банк Кузатув кенгаши аъзолари:** | А.А. Камалов | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар ва молия бозори бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| | Ғ.З. Наджимов | "UzGazOil" МЧЖ Юридик бўлим бошлиғи |
| | Л.Г. Зубрилова | "UzGazOil" МЧЖ бош бухгалтери |
| | И.Л. Бутиков | Хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш маркази директори |
| **Банк Бошқаруви** | | |

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга 73'505'700 дона акциялардан 42'261'819 дона овозга эгалик қилувчи 12 нафар акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари, ҳамда овоз бериш ҳуқуқи бўлмаган имтиёзли акцияга эгалик қилувчи акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари қатнашди.

**Йиғилиш кворуми – 57,49%**

---

Йиғилишни банк Кузатув кенгаши аъзоси А.А. Камалов очди ва Йиғилишга раислик қилди.

Шундан сўнг, Йиғилиш раиси очиқ овоз бериш йўли билан йиғилиш президиумини сайлаш бўйича таклиф киритди ва овозга қўйди. Таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда сайланди: А.А. Камалов, Ғ.З. Наджимов, Л.Г. Зубрилова, И.Л. Бутиков, С.У. Закиров.

Йиғилиш баённомасини ёзиб бориш учун йиғилиш котибаси этиб Юлдашева Шоира Сурабовнани сайлаш ҳамда саноқ комиссияси вазифасини бажариш учун банк акциядорлари ичидан Абдукадыров Дилшод Мирзаитовични, Ширгалиева Азиза Кадыржановнани ва Турсунова Шахноза Мирмахмутовнани сайлаш таклиф этилди.

Қуйидаги номзодлар очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси йиғилиш кун тартибидаги масалаларни акциядорлар томонидан тасдиқланиши учун ўқиб эшиттирди.

**Кун тартиби:**

1. "Ипотека-банк" АТИБ акцияларини майдалаш.
2. "Ипотека-банк" АТИБ акцияларнинг янги чиқарилуви тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш.
3. "Ипотека-банк" АТИБ эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
4. "Ипотека-банк" АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.
5. "Ипотека-банк" АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
6. "Ипотека-банк" АТИБда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилинишини тасдиқлаш.
7. "Ипотека-банк" АТИБ томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш.
8. "Ипотека-банк" АТИБнинг Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.
9. "Ипотека-банк" АТИБнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.
10. "Ипотека-банк" АТИБнинг Бошқаруви тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни ҳамда унинг иловасини (банкнинг ташкилий тузилмасини) янги таҳрирда тасдиқлаш.
11. "Ипотека-банк" АТИБнинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
12. "Ипотека-банк" АТИБнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
13. "Ипотека-банк" АТИБнинг ички назорат тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
14. "Ипотека-банк" АТИБнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли ва 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан олиб борилаётган ишларни маълумот учун қабул қилиш.

**Кун тартибидаги биринчи масала** – "Ипотека-банк" АТИБ акцияларини майдалаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги биринчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42'261'819 (100,00%)** | **Қарши 0 (0,00%)** | **Бетараф 0 (0,00%)** |

**Кун тартибидаги иккинчи масала** – "Ипотека-банк" АТИБ акцияларнинг янги чиқарилуви тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги иккинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’261’819 (100,00%)** | **Қарши 0 (0,00%)** | **Бетараф 0 (0,00%)** |

**Кун тартибидаги учинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш юзасидан Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги учинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’261’819 (100,00%)** | **Қарши 0 (0,00%)** | **Бетараф 0 (0,00%)** |

**Кун тартибидаги тўртинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1046 (0,002%)** |

**Кун тартибидаги бешинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди:

| № | Ф.И.О. | Лавозими | Овоз бериш натижалари (овозлар сони) |
|---|---|---|---|
| 1 | Шоахмедов Шохрух Шорахимович | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг ўринбосари | 42’261’309 |

**Кун тартибидаги олтинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилинишини тасдиқлаш бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги олтинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’261’819 (100,00%)** | **Қарши 0 (0,00%)** | **Бетараф 0 (0,00%)** |

**Кун тартибидаги еттинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шаклини тасдиқлаш масаласини Йиғилиш раиси ёритиб берди.

Кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’261’819 (100,00%)** | **Қарши 0 (0,00%)** | **Бетараф 0 (0,00%)** |



**Кун тартибидаги саккизинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси маълумот берди.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

**Кун тартибидаги ўнинчи масала** - “Ипотека-банк” АТИБнинг Бошқаруви тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишни ҳамда унинг иловасини (банкнинг ташкилий тузилмасини) янги таҳрирда тасдиқлаш масаласи бўйича Йиғилиш раиси акциядорларга ахборот берди.

Кун тартибидаги ўнинчи масала овозга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала** - “Ипотека-банк” АТИБнинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш, **ўн иккинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш, **ўн учинчи масала** - “Ипотека-банк” АТИБнинг ички назорат тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ва **ўн тўртинчи масала** - “Ипотека-банк” АТИБнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш биргаликда кўрилди ва улар бўйича Йиғилиш раиси сўзга чиқди.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича берилган овозлар:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 47’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича берилган овозлар:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 47’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича берилган овозлар:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 47’260’773 (99,998%)** | **Қарши 0 (0,000%)** | **Бетараф 1’046 (0,002%)** |

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича берилган овозлар:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42'223'491 (99,909%)** | **Қарши 37'282 (0,088%)** | **Бетараф 1'046 (0,002%)** |

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала -** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли ва 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан олиб борилаётган ишларни маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича банкнинг Ғазначилик бошқармаси бошлиғи Ж. Фаязов ахборот берди.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича берилган овозлар:

| | | |
|---|---|---|
| **Тарафдор 42'223'491 (99,909%)** | **Қарши 37'282 (0,088%)** | **Бетараф 1'046 (0,002%)** |

Юқорида баён этилган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**Қарор қилди:**

1. "Ипотека-банк" АТИБнинг илгари жойлаштирилган номинал қиймати 3578 сўмлик 75'505'700 дона акцияларини номинал қиймати 1 сўм бўлган акцияларга майдалаш йўли билан сони 7'156'000'000 дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 263'003'394'600 дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат бўлган қиймати 270'159'394'600 (икки юз етмиш миллиард бир юз эллик тўққиз миллион уч юз тўқсон тўрт минг олти юз) сўмлик "Ипотека-банк" АТИБ акцияларининг янги чиқарилуви амалга оширилсин. Майдалашда олинган 1:3578 коэффициенти тасдиқлансин.

Мазкур янги чиқарилув акциялари банк акциядорлари ўртасида ёпиқ обуна усулида, конвертация қилиш йўли билан жойлаштирилсин ва қандайдир битимларни тузиш кўзда тутилмасин. Акциялар номинал баҳода жойлаштирилсин.

2. "Ипотека-банк" АТИБ акцияларининг янги чиқарилуви тўғрисидаги қарори 1-иловага асосан тасдиқлансин.

3. "Ипотека-банк" АТИБ эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида қўшимча чиқариши мумкин бўлган (эълон қилинган) акциялар сони 575'000'000'000 (беш юз етмиш беш миллиард) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан ҳамда 10'000'000'000 (ўн миллиард) дона ҳужжатсиз шаклдаги эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат бўлиши белгилансин ва тасдиқлансин.

4. "Ипотека-банк" АТИБ уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 2-иловага асосан тасдиқлансин. Банк Бошқаруви уставга киритиладиган ушбу ўзгартишлар ва қўшимчаларни Марказий банкда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. "Ипотека-банк" АТИБ Кузатув кенгаши таркибига Шоахмедов Шохрух Шорахимович сайлансин. Унинг сайланиши муносабати билан Ҳайдаров Аҳадбек Яхёбекович Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.



6. "Ипотека-банк" АТИБда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя қилиниши тасдиқлансин.

7. "Ипотека-банк" АТИБ томонидан Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини ўз фаолиятига қабул қилганлиги тўғрисида хабар бериш шакли 3-иловага асосан тасдиқлансин.

8. "Ипотека-банк" АТИБнинг Акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 4-иловага асосан тасдиқлансин.

9. "Ипотека-банк" АТИБнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 5-иловага асосан тасдиқлансин.

10. "Ипотека-банк" АТИБнинг Бошқаруви тўғрисидаги Низомига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин, киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар матни 6-иловага асосан тасдиқлансин. "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги Низомининг иловаси (банкнинг ташкилий тузилмаси) 7-иловага асосан янги таҳрирда тасдиқлансин.

11. "Ипотека-банк" АТИБнинг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низоми 8-иловага асосан тасдиқлансин.

12. "Ипотека-банк" АТИБнинг ахборот сиёсати тўғрисидаги Низоми 9-иловага асосан тасдиқлансин.

13. "Ипотека-банк" АТИБнинг ички назорат тўғрисидаги Низоми 10-иловага асосан тасдиқлансин.

14. "Ипотека-банк" АТИБнинг манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низоми 11-иловага асосан тасдиқлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 февралдаги 33-сонли ва 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан олиб борилаётган ишлар маълумот учун қабул қилинсин.

**Йиғилиш котибаси** **Ш.С. Юлдашева**

*Ушбу баён 2016 йил 5 декабрда икки нусхада тузилди ва банк Бошқарувига топширилди.*